

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ

Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2016 йил 7-мартдан 12 мартгача)

№28

Тошкент – 2016

СОҒЛОМ ОНА – БАРКАМОЛ АВЛОД

“Туркистон” саройида 5 март куни Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

5 март куни Бош майдонимиз ҳар қачонгидан жозибали, файзли тус олди. Гўзал айём муносабати билан бир гуруҳ опа-сингилларимиз – хотин-қизлар ташкилотлари вакиллари, иқтисодиёт, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали меҳнат қилиб келаётган аёллар Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Байрам иштирокчилари пойтахтимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Республика ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш марказида бўлди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида «Садоқат» спектаклини томоша қилди. Шу куни «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлди. Унда турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар, табаррук онахонлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

ЭЗГУЛИК ВА ИСТИҚБОЛ ИФОДАСИ

«Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилганига 23 йил тўлди. Халқимиз азалдан фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор ва масъулият билан ёндашиб келади. Ушбу олижаноб фазилат истиқлол йилларида юксак кадрланиб, бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар кўлами янада кенгайди. Соғлом ҳамда баркамол авлодни вояга етказиш жамиятимизнинг муҳим вазифасига айланди.

Бундан роппа-роса 23 йил муқаддам, яъни 1993 йил 4 март куни Президентимиз Фармони билан таъсис этилган мустақил юртимизнинг илк ордени “Соғлом авлод учун” деб номланганида ҳам чуқур маъно-мазмун мужассам.

Соғлом авлод — мамлакатнинг куч ва қудрати, порлоқ истиқболини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Шу боис республикада таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ёш авлодни баркамол этиб вояга етказиш устувор вазифалардан бири

сифатида белгилаб олинган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил йўналтирилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мазкур тизимда янгиланишларни самарали амалга оширишга мустаҳкам пойдевор бўлди.

Юртимизда кўркам касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, мактаблар қад ростлади. Бу борадаги чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Эндиликда ўқувчилар дарсларни замонавий ўқув жиҳозлари, компьютерлар ёрдамида пухта ўзлаштиришаётир. Бу эса таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатаёпти.

Фарзандларимизни айна пайтда жисмонан етук этиб тарбиялаш борасидаги ишлар ҳам диққатга сазовор. Хусусан, ҳар йили республикаимиз ҳудудларида кўркам спорт мажмуалари барпо қилинмоқда. Уларда миллионлаб ёшлар машғулотларда қатнашаётир.

Ўз навбатида, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган уч босқичли мусобақалар тизими ўғил-қизларимизни янги марралар сари руҳлантириб, Ватан шаънини халқаро майдонларда муносиб ҳимоялайдиган спортчилар бўлиб етишишларида муҳим ўрин тутаяпти.

Айтиш керакки, республикаимизда олиб борилаётган барча эзгу ишлар замирида баркамол авлод орзуси мустаҳкам ўрин эгаллаган. 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилингани ҳам ана шу устувор ғояга қаратилган.

“Соғлом авлод учун” ордени билан оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга алоҳида ҳисса қўшаётган, фарзандлар саломатлигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, уларни маънавий-интеллектуал жиҳатдан баркамол этиб вояга етказишда катта ютуқларга эришаётган юртдошларимиз тақдирланади.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида “Халқаро ҳамкорлик, замонавий таълим ва илмий-тадқиқот иши” мавзуида онлайн-тренинг бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ва Буюк Британия олий таълим муассасалари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида олий таълим тизимини изчил ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг касб даражаси ва малакасини ошириш, уларни халқаро андозаларга мувофиқ қайта тайёрлаш, бу борада самарали механизмни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этишга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини янада оширишга хизмат қилаётир. Британия кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур онлайн-тренинг олий таълим ва ундан кейинги таълим самарадорлигини янада юксалтириш, олий малакали педагог кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишга бағишланди. Мамлакатимизда бу йўналишда олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курси ўқув режасининг намунавий тузилмаси ишлаб чиқилган. Унга кўра, малака ошириш жараёнида олий таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнида қўллаш, хорижий тил курси, тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш асослари, махсус фанлар, педагогик амалиёт, малакавий аттестация каби йўналишларга асосий эътибор қаратилади. Шу билан бирга, замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услублари тубдан янгиланади.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича узоқни кўзлаган дастурлар, хусусан, Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларнинг замонавий билим олиши, етук мутахассис бўлиб етишиши, иқтидорини тўла намоён этиши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Ўзбекистон ёшларининг жаҳон стандартлари асосида таҳсил олиши йўлида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор

қаратилаётгани, мамлакатимизда дунёдаги кўплаб нуфузли университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият юритаётгани қайд этилди.

– Ўзбекистонда таълимнинг барча босқичини юксак даражада ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир,– деди Бат университети профессори Иан Кроуфорд (Буюк Британия).– Мазкур тадбир халқаро стандартларга мос таълим сифатини таъминлаш учун олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини модернизация қилиш ва такомиллаштириш бўйича тажриба алмашиш имконини берди.

Анжуманда соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ўқув дастурлари асосида олий таълим сифатини ошириш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Вилоятлардаги олий ўқув юртлари билан халқаро даражадаги илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, шунингдек, Ўзбекистон ва Буюк Британия олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Кадрлар тайёрлаш йўналишида ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш ва мустақамлаш, соҳада тажриба ва ахборот алмашувини янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

ИЖТИМОЙ ЛОЙИҲАЛАРГА ДОИМИЙ КЎМАК

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг 2015 йилдаги фаолияти яқунлари ва 2016 йилги режаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. 2008 йилдан бери фаолият кўрсатаётган Жамоат фонди ва комиссия ҳар йили нодавлат нотижорат ташкилотлари, медиа тузилмалар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик энг яхши лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашмоқда. Ўтган йили давлат бюджетидан бу мақсадларга 2008 йилдагига нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилган. 2015 йилда давлат томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат гранти, ижтимоий буюртма ва субсидия шаклида молиялаштиришга 10 миллиард сўм маблағ йўналтирилган.

Грант учун мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти, оммавий ахборот воситаси ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари 1200 дан ортиқ лойиҳа тақдим этган. Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона вилояти, Тошкент шаҳри энг кўп лойиҳа билан қатнашган. Лойиҳалар доирасида нурунийларни эъзозлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, худудлар ривожига доир кўплаб ишлар амалга оширилган.

2016 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини молиялаштиришга давлат бюджетидан 11 миллиард сўм маблағ ажратилди. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига ННТларни кенг жалб этиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижросининг оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилиши, баркамол авлодни вояга етказиш, табиат муҳофазасига оид танловлар жамоат ташкилотлари фаоллигини оширишга хизмат қилади.

ГРАНТ ШАРТНОМАЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

Тошкентдаги Ўзбекистон – Япония инсон ресурсларини ривожлантириш марказида 1 март куни Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам дастури доирасида грант шартномалари имзоланди. Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар каби кўплаб соҳалар қатори молиявий-техникавий йўналишда ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Японияга расмий ташрифи, Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг 2015 йил октябрь ойида мамлакатимизга расмий ташрифи ўзаро муносабатларга янги суръат бахш этди.

Япония Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон ва Япония ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнот асосида изчил ривожланмоқда. Япония ҳукумати мамлакатимизда 1995 йилдан буён таълим,

соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларни қамраб олган кичик ҳажмдаги ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам дастурини амалга ошириб келмоқда. Ўтган давр мобайнида мазкур дастур доирасида умумий қиймати 23 миллион 380 минг АҚШ долларида ортиқ 352 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Навбатдаги грант шартномалари умумий қиймати 566 минг доллардан зиёд 11 лойиҳадан иборат. Унга кўра, мамлакатимиздаги бир қатор таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

ПЕНСИОНЕРЛАР УЮШМАСИ ТУЗИЛДИ

Миллий матбуот марказида янги ташкил этилган Ўзбекистон Пенсиячилар уюшмасининг мақсад ва вазифаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. 2016 йил 26 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги янги уюшмани давлат рўйхатидан ўтказган. Бу Президентимиз раҳнамолигида фахрийларни эъзозлаш, уларга ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг яна бир ифодасидир. Катта ҳаёт тажрибасига эга фахрийларимиз босиб ўтган йўл ёшлар учун ибрат мактабидир. Айниқса, юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ва ободончилик ишлари жараёнида, ёшлар тарбиясида уларнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқларига ҳамisha эҳтиёж сезилади. Пенсиячилар уюшмаси кекса авлоднинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳаллалар, ҳар бир оилада тинчлик-тотувлик, осойишталик, соғлом муҳитнинг барқарор бўлишини таъминлаш, ёрдамга муҳтож кексаларга ижтимоий кўмаклашиш, пенсиячиларнинг соғлигини тиклаши учун даволаниши, мазмунли дам олишини ташкил этиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган.

МАМЛАКАТИМИЗ МОБИЛЬ ИЛОВАЛАРИ ИСТИҚБОЛИ

Испаниянинг Барселона шаҳрида Жаҳон мобиль алоқа конгресси доирасида ўтказилган “Global Mobile Challenge” танлови финалида Ўзбекистон жамоаси томонидан ишлаб чиқилган «Stolik» мобиль иловаси мутахассислар томонидан юқори баҳоланди ва жорий йилнинг энг яхши мобиль иловалари рўйхатига киритилди. Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

мутахассислари, мобил операторлар, мобил илова яратувчилар ва журналистлар иштирок этди. Тадбирда янги инновацион ғояларсиз ахборот технологияларини янада ривожлантириш ва кенг жорий этиб бўлмаслиги таъкидланди. Кўпинча янги ташкил этилган компаниялар инновацион ғояларга муаллифлик қилади. Мавжуд маҳсулотлардан муваффақиятли фойдаланадиган йирик корпорациялар янги инновацион ғоя ва маҳсулотлар яратиш билан деярли шуғулланмайди. Янги ташкил этилган корхоналар – «старт-ап»лар фаолияти айнан инновацион ғоя ва маҳсулотлар ишлаб чиқишга қаратилади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжат ахборот технологиялари лойиҳаларини амалга ошириш, ёш дастурчи ва мобил илова яратувчилар ўз ғоя ҳамда хизматларини муваффақиятли тақдим этишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Матбуот анжуманида жамият ҳаётининг турли соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш истиқболлари, ёш дастурчилар ва мобил илова яратувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасидаги энг яхши инновацион лойиҳаларни аниқлашга қаратилган турли танловлар ўтказишга доир масалалар муҳокама қилинди.

ШХТ РИВОЖЛАНИШИДА ЎЗБЕКИСТОН МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси 2001 йил 15 июнда Хитойнинг Шанхай шаҳрида тузилган халқаро тизимга — Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига (ШХТ) раислик қилмоқда. Ушбу нуфузли ташкилотга мамлакатимизнинг раислик қилаётгани жаҳон оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди. Масалан, яқинда Хитойда нашр этиладиган «Дунфан Сзабао» (“Шарқ тонги”) газетасида ушбу мавзуга бағишланган салмоқли мақола босилиб чиқди. Унда муаллифнинг – газета халқаро янгиликлар департаменти директори Вей Синнинг қайд этишича, Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати ҳамда минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича изчил саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатнинг халқаро обрў-эътибори йил сайин ортиб бормоқда. Республика нуфузли халқаро тизимлар, шу жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. Мақолада ШХТ ташкил топиши ва ривожланишида Ўзбекистон тутган ўринга юқори баҳо берилган.

Маълум қилинганидек, ушбу тизимнинг асосчи мамлакатларидан бири ҳисобланадиган мамлакатимиз ҳозирги пайтга қадар ташкилотга икки мартаба — 2003-2004 ва 2009-2010 йиллари раислик қилган. Журналист таъкидлаганидек, айнан Ўзбекистон ташаббуси билан ШХТ фаолиятини такомиллаштириш, турли йўналишлардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисидаги кўпгина муҳим ҳужжат ва қарорлар қабул қилинган. “Ўзбекистон раислиги даврида — 2010 йилнинг апрелида муҳим тарихий воқеа рўй берди: БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Тошкентга буюрган ташрифи чоғида БМТ ва ШХТ котибиятлари ўртасида Ҳамкорлик тўғрисидаги Кўшма декларация имзоланди. Бу қарор долзарб масалаларнинг ҳал этилишида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар учун мустаҳкам замин яратгани ҳолда икки ташкилотнинг расмий ҳамкорлигини бошлаб берди”, деб ёзади Вей Син.

Хитойлик шарҳловчи қайд этганидек, 2015 йил 11 июль куни ШХТ раислиги навбати яна Ўзбекистон Республикасига ўтди. Ташкил топганининг 15 йиллиги нишонланадиган жорий йилда мазкур ташкилот ўз фаолиятида истиқбол учун кўзда тутган режаларини муваффақият билан амалга ошириш юзасидан масъулиятни янада оширади. “Ўзбекистон амалдаги анъаналарга кўра, ташкилотга аъзо давлатларнинг конструктив ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича манфаатларига жавоб берадиган, халқаро майдонда ШХТ нуфузи оғишмай ўсишининг таъминланиши тамойилларига қатъий амал қилмоқда. Мамлакат халқаро алоқаларни ривожлантириш бўйича ташаббусларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ШХТ Хартиясига ўз ифодасини топган мақсадлар, вазифалар ва тамойилларга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий заминни мустаҳкамлаш йўли билан минтақада хавфсизлик ва барқарорликни сақлашга кўмаклашмоқда”, деб таъкидлайди нашр.

Вей Син ташкилотга Ўзбекистон раислиги доирасида Тошкентда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Кенгаши йиғилиши ва бошқа тадбирлар ўтказилажаги хусусида тўхталар экан, уларнинг якуни бўйича қабул қилинадиган ҳужжатлар ва қарорлар ШХТ келажагини белгилаб бериши юзасидан комил ишонч билдиради.

**ХИТОЙ КЕЙИНГИ БЕШ ЙИЛ ИЧИДА ГЕНДЕР НОМУТАНОСИБЛИКНИ
КАМАЙТИРИШНИ МЎЛЖАЛЛАМОҚДА**

2020 йилга келиб Хитой аҳолиси 1,42 млрд кишига етади. Бу ҳақида 2016 йилдан 2020 йилгача мамлакатни ривожлантиришнинг янги беш йиллиги доирасида тақдим этилган. ХХР миллий статистика бюроси маълумотига кўра, 2015 йилнинг охирида мамлакат аҳолиси 1,37462 млрд кишини ташкил этган. Режада ҳукумат ҳар бир оиллага икки нафардан фарзанд кўриш чора-тадбирини ҳаётга тўла татбиқ этишни ҳамда гендер номуносибликни камайтиришни мўлжалламоқда.

РАКЕТА-ЙЎЛДОШНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ

“Ракета баржага жуда қаттиқ кўнди. Бу уринишимиз иш беришини кутмагандим. Ракета ўта юқори ҳароратда Ер атмосферасига қайтиб кира олди”,-деб **ЭЙЛОН КИЛДИ** компания раҳбари Илон Маск. Компания раҳбари кейинги учини амалиётларида сунъий йўлдош муваффақиятлироқ кўнишига умид қилишини ҳам билдирди.

ОБАМА ВА АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МУҲОКАМАСИ

АҚШ президенти Барак Обама Афғонистон президенти Ашраф Ғаний билан видеоконференц алоқа вақтида Афғонистон президентининг минтақадаги ҳамкорликни кучайтиришда кўшни давлатлар билан ишдаги ва «Толибон» билан боғлиқ вазиятни тартибга солишдаги ролини қайд қилиб **ЎТДИ**. Обама «АҚШ зўравонлик даражасини пасайтирадиган ҳамда Афғонистон ва минтақада узок муддатли барқарорликни таъминлайдиган тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлашини» таъкидлаб **ЎТДИ**.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ЮАННИ ХАЛҚАРО ЗАХИРА ВАЛЮТАСИ ДЕБ РАСМАН ТАН ОЛДИ

Халқаро валюта жамғармаси Хитой валютаси – юанни халқаро захира валютаси деб расман тан олди. Юань 2016 йилнинг 3-чорагидан ҳисоботларда пайдо бўлади, деб айтилмоқда. 2015 йил охирида ХВЖ юанни захира валюталари қаторига киритганди. ХВЖ захира валюталари қаторига, шунингдек, АҚШ доллари, евро, япон иенаси ва британ фунт стерлинги ҳам киради.

РОССИЯ ВА ХИТОЙ ОСИЁДА ҚУРОЛ-ЯРОҒ ПОЙГАСИГА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАСЛИГИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДА

Россия ва Хитой вакиллари Шимоли-шарқий Осиёда қурол-яроғ пойгасига йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрга келишди, деб айтилмоқда Россия ташқи ишлар

вазирлигининг [расмий сайтида](#). «Минтақада қарама-қаршиликка бориш ва қурол-яроғ пойгасини авж олдиришга йўл қўйиб бўлмаслигига эътибор қаратилди. Вужудга келаётган хавф ва таҳдидларга Шимоли-шарқий Осиёдаги хавфсизликнинг самарали механизмларини шакллантириш ва ишончни мустаҳкамлаш орқали оқилона жавоб бериш зарурлиги таъкидлаб ўтилди», дейилмоқда хабарда. Томонлар Шимолий Корея томонидан ўтказилган ядровий синовлар ортида минтақада хавфсизлик соҳасидаги вазиятнинг ривожланиши борасида фикр алмашишди.

РОССИЯ, ФРАНЦИЯ, БУЮК БРИТАНИЯ, ГЕРМАНИЯ ВА ИТАЛИЯ СУРИЯДАГИ МУАММОЛАРНИ БИРГА БАРТАРАФ ЭТАДИ

Россия, Франция, Буюк Британия, Германия ва Италия давлат раҳбарлари телефондаги мулоқот орқали Суриядаги муаммоларни биргаликда муҳокама қилишди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан қўллаб-қувватланган Россия-АҚШ келишувларига юқори баҳо берилди. Жанговар ҳаракатларни тўхтатиш тартибига амал қилиш ўзининг биринчи натижаларини бермоқда ва Сурияда мамлакат бўйлаб БМТ шиори остида сиёсий мулоқотнинг тикланиши ҳам бошлангани кузатилмоқда”, - дейилади хабарда. Бундан ташқари, етакчилар тартибга солиш харитасини ҳам қўллаб-қувватлашди. Сурия ҳукуматининг парламент сайловларини ўтказиш бўйича қарори тинчлик ўрнатишдаги жараёнларга халақит бермайди. Шунингдек, томонлар гуманитар ҳодисалар бўйича ҳаракатларни кучайтиришга келишиб олишди. “Улар мавжуд бўлган муҳим гуманитар муаммоларни ҳал этиш учун ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни тезлаштиришга тайёр эканлигини билдиришди”, - дейилади баёнотда.

ДАНИЯ ИШИДГА ҚАРШИ

Дания Ироқ ва Сурияга ИШИД террорчилик гуруҳи билан курашда ўз ҳиссасини кўшадиган 400 ҳарбийни юборишга тайёрлигини билдирди. 4 мартда Дания ҳукумати раҳбари Ларс Лекке Расмуссен девонхонаси томонидан тарқатилган расмий баёнотда гап F-16 ва транспорт самолётлари учувчилари, хизмат кўрсатувчи ходимлар ва махсус бўлинмалар жангчилари ҳақида. Ҳукуматнинг таклифи кўпчилик парламент партиялари томонидан ташқи сиёсат бўйича парламент қўмитасининг йиғилишида маъқукланди. Бунда бир қатор муҳим

масалалар, жумладан Дания кучлари айнан қайси давлатда қўлланишини ҳали ҳал қилиш керак бўлади.

СУРИЯДА АҚШ НАЗОРАТИДАГИ ИККИНЧИ АВИАБАЗА

АҚШ Суриянинг курдлар назорат қилувчи қисмида авиабаза қуришни ўз якунига етказди ва ҳам фуқаролик, ҳам ҳарбий вазифаларни амалга оширувчи иккинчи ҳарбий базани қуришни бошлаб юборди. Ал Хасака вилоятининг Рмейлан шаҳридаги учиш-қўниш йўлаги қурилиши ниҳоясга етган. Шу боис Туркия билан чегарадан жануби-шарқда жойлашган Кобани шаҳри ҳудудида янги авиабаза қуриш бошланди. Мазкур объектнинг қурилишига америкалик ўнлаб мутахассис ва техникалар жалб этилган. Суриялик курдлар берган маълумотларга кўра, Рмейландаги учиш-қўниш йўлагидан вертолётлар хизмат кўрсатиши учун фойдаланилади. Улар минатақадаги ҳарбий операцияларга зарур бўладиган техник материаллар ташиш билан шуғулланади. Маълумот учун, АҚШ 2015 йилда ИШИД террорчилик гуруҳига қарши курашда ўнлаб ўз мутахассисларини Сурия шимолига жўнатган эди. Шунингдек, америкаликлар ўзларининг маҳаллий ҳамкорларини курул-яроғ таъминоти ва ҳаво ҳимояси билан таъминлаб туради.

ХИТОЙДА ПОРНОГРАФИК МАТЕРИАЛЛАР ТАРҚАТГАН САЙТЛАП ЁПИЛДИ

Хитой ҳукумати порнографик ёки ахлоқсиз аудио ва видеоматериаллар тарқатишда фош қилинган 15 млн публикацияни ўчириб ташлади ва 28 мингта интернет сайтни ёпиб қўйди. Бу ҳақда Хитой порнографик ва ноқонуний публикацияни назорат қилиш миллий хизмати матбуот баёнотида [айтилган](#). «Порнографик ва ноқонуний публикацияга қарши кураш бутун 2016 йил давом этади. Текширувларнинг бир қисми таълим муассасалари яқинидаги дўконларда комикс кўринишида порнографик маҳсулотларни сотишнинг олдини олиш мақсадида ўтказилади», дейилмоқда ҳужжатда. Миллий хизмат ходимларининг таъкидлашича, охириги вақтда онлайн-ўйинлар кўринишида порнография тарқатилиши ҳолатлари кўпайган. Жиноятчилар ахлоқсиз контентни жойлаштиришда булутли контентлардан кўпроқ фойдалана бошламоқдалар, бу узоқлашган серверда исталган форматдаги файлларни, жумладан мусиқа, фотосурат ва фильмларни сақлашга имкон беради.

ЖАНУБИЙ АФРИКА ДАВЛАТЛАРИНИНГ 16 МЛН АҲОЛИСИГА ОЧАРЧИЛИК ХАВФ СОЛМОҚДА

Жанубий Африка давлатларининг 16 млн аҳолисига очарчилик хавф солмоқда, деб маълум қилди 4 мартда БМТнинг Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури. Ташкилотнинг ЖАРда тарқатилган ҳисоботида очарчиликка минтақада узоқ давом этаётган қурғоқчилик ва Эль-Ниньо табиий ҳодисаси оқибатларининг кучли таъсири сабаб эканлиги **кўрсатилган**. «Эль-Ниньонинг таъсири шунчалик катталашмоқдаки, бу минтақада фавқулодда вазиятни яратиш билан таҳдид қилмоқда. У билан курашиш учун кўплаб давлатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари талаб қилинади», дейилмоқда ҳисоботда. Жорий йилнинг январида Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури Жанубий Африкада очарчилик хавф солаётган одамлар сонини 14 млн киши деб баҳолаганди. Ўшанда ташкилот бу йили ноқулай об-ҳаво шароити туфайли экин экиш учун қулай вақт деярли бой берилганидан огоҳлантирганди. Ўтган йили етарлича ёғингарчилик бўлмаганидан энг кўп миқдорда Малави (бу ерда очарчилик 2,8 млн кишига хавф солмоқда), Мадагаскар (1,9 млн киши), Зимбабве (1,5 мле киши) азият чеккан. Лесотода эса ҳукумат декабрда қурғоқчилик туфайли фавқулодда вазият эълон қилган. Бу давлатда аҳолининг учдан бир қисми, яъни 650 минг киши озиқ-овқат етишмовчилигини бошдан кечирмоқда. Шунингдек, Ангола, Мозамбик ва Свазиленддаги вазият ҳам хавотир уйғотмоқда.